

Date: 19<sup>th</sup> December-2025

## ЎЗБЕКИСТОНДА МҲХСНИ ЖОРИЙ ЭТИЛИШИ

**Жабборов Олчинбек Нуриддин ўғли**


Тошкент Давлат Иқтисодиёт Университети

Бухгалтерия ҳисоби кафедраси, таянч докторанти

2014 йил 6 майда қабул қилинган «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунинг<sup>16</sup> “Жамиятнинг бухгалтерия ҳисоби ва молиявий ҳисоботи” деб номланган 102-моддаси Ўзбекистон Республикасининг 2015 йил 29 декабрдаги ЎРҚ-396-сонли қонунига асосан қуйидаги бешинчи қисм билан тўлдирилган:

“Жамият Халқаро молиявий ҳисобот стандартларига мувофиқ тузилган йиллик молиявий ҳисоботни у Халқаро аудит стандартларига мувофиқ ташқи аудитдан ўтказилганидан кейин, акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши ўтказиладиган санадан камида икки ҳафта олдин эълон қилиши шарт”.

Ушбу қонун нормасидан келиб чиқиб, акциядорлик жамиятлари 2015 йилдан бошлаб ўз молиявий ҳисоботларини Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларига асосан тайёрлашга ўтган. 1-сон “Молиявий ҳисоботни тақдим этиш” МҲХС (IAS)га мувофиқ молиявий молиявий ҳисоботда камида 1 та солиштирма давр бўлиши кераклиги, 1-сон “Молиявий ҳисобот халқаро стандартларини биринчи марта қўллаш” МҲХС (IFRS)га кўра МҲХСга ўтиш санаси солиштирма даврнинг бошига белгиланишини инобатга олинса акциядорлик жамиятларининг МҲХСга ўтиш санаси 2014 йил 1 январь бўлган.



Бу расмда:

МҲТҲ – Молиявий ҳолат тўғрисидаги ҳисобот (баланс)

<sup>16</sup> <https://lex.uz/docs/2382409#2382506>

Date: 19<sup>th</sup> December-2025

УДТХ – Умумлашган даромад тўғрисидаги ҳисобот (Фойда ва зарарлар ва бошқа умумлашган даромад бўлимларини ўз ичига олади)

ХКТХ – Хусусий капитал тўғрисидаги ҳисобот

ПМХТХ – Пул маблағлари ҳаракати тўғрисидаги ҳисобот.

«Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунида фақатгина молиявий ҳисоботни МХХС асосида тайёрлашга талаб бўлиб, акциядорлик жамиятларида бухгалтерия ҳисобини МХХС асосида юритишга талаб бўлмаган. Шу сабабли, акциядорлик жамиятлари ўз бухгалтерия ҳисобини миллий қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда юритиб, молиявий ҳисоботларини ҳам миллий қонунчилик ҳужжатларида белгиланган шаклларда тайёрлаган. Шундан сўнг, миллий қонунчилик ҳужжатлари асосида тайёрланган молиявий ҳисоботлар МХХСга трансформация қилинган.

2020 йил 24 февралда қабул қилинган “Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларига ўтиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” 4611-сонли Ўзбекистон Республикаси Президенти қарорининг<sup>17</sup> 1-банди билан акциядорлик жамиятлари, тижорат банклари, суғурта ташкилотлари ва йирик солиқ тўловчилар тоифасига киритилган юридик шахслар 2021 йил 1 январдан бошлаб, МХХС асосида бухгалтерия ҳисоби юритилишини ташкил этиши ва 2021 йил якунларидан бошлаб молиявий ҳисоботни МХХС асосида тайёрлаши белгилаб қўйилди. Ушбу қарордан сўнг акциядорлик жамиятлари учун нафақат молиявий ҳисоботларни МХХС асосида тайёрлаш, балки бухгалтерия ҳисобини ҳам молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари асосида юритиш мажбурий бўлди.

2025 йил 15 сентябрда “Молиявий ҳисоб тизимини халқаро талаб ва стандартларга мувофиқ такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” 282-сон Ўзбекистон Республикаси Президенти қарори қабул қилинди<sup>18</sup>. 2025 йил 17 декабрдан кучга кириши белгиланган ушбу қарорда Иқтисодиёт ва молия вазирлигининг “Жамоат аҳамиятига эга ташкилотлар” (Public interest entities — PIE) ҳуқуқий мақомини жорий қилиш тақлифига розилик берилиб, фаолият тури ва (ёки) активлари миқдори туфайли юқори ижтимоий ва иқтисодий таъсирга, шунингдек, кенг доирадаги манфаатдор томонларга эга бўлиш каби мезонларга жавоб берадиган тадбиркорлик субъектлари “Жамоат аҳамиятига эга ташкилотлар” тоифасига киритилиши белгилаб қўйилди. Қарорга кўра “Жамоат аҳамиятига эга ташкилотлар” тоифасига киритиш мезонларини Иқтисодиёт ва молия вазирлиги Марказий банк билан биргаликда белгилаб беради. 2026 йил 1 январдан бошлаб “Жамоат аҳамиятига эга ташкилотлар” реестри Иқтисодиёт ва молия вазирлиги томонидан электрон шаклда юритилади ва ҳар йили 1 июлга қадар Ҳукумат портали ягона платформаси ҳамда Очик маълумотлар порталига жойлаштирилади.

<sup>17</sup> <https://lex.uz/docs/4746047>

<sup>18</sup> <https://lex.uz/uz/docs/7728924>



Date: 19<sup>th</sup> December-2025

2025 йил 15 сентябрда “Молиявий ҳисоб тизимини халқаро талаб ва стандартларга мувофиқ такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” 282-сон Ўзбекистон Республикаси Президенти қарорининг 5-г бандидан келиб чиқиб, жамоат аҳамиятига эга ташкилотлар Реестрга киритилган йилдан кейинги йилнинг 1 январидан бошлаб МҲХС асосида бухгалтерия ҳисоби юритилишини ташкил этади ҳамда навбатдаги (иккинчи) йил якунига кўра молиявий ҳисоботларни тузиш ва уларни аудиторлик хулосалари билан бирга эълон қилишни МҲХСга мувофиқ амалга оширади.

Қонунчилик ҳужжатларида МҲХСга ўтишнинг эртароқ муддатлари назарда тутилган юридик шахслар эса Иқтисодиёт ва молия вазирлиги Марказий банк билан биргаликда белгилаб бериладиган “Жамоат аҳамиятига эга ташкилотлар” тоифасига киритиш мезонларига жавоб берса, ўз бухгалтерия ҳисобини МҲХС асосида юритишда ҳамда молиявий ҳисоботларини МҲХС асосида тайёрлашда давом этади. Жамоат аҳамиятига эга ташкилотлар” тоифасига киритиш мезонларига жавоб бермайдиган юридик шахслар эса ўз бухгалтерия ҳисобини ҳамда молиявий ҳисоботларни тайёрлашни МҲХС асосида ёки миллий қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда ташкил этишлари мумкин бўлади.

2020 йил 24 августда “Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари ва унга тушунтиришлар матнини тан олиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида” 507-сон Ўзбекистон Республикаси Вазирлар маҳкамаси қарори қабул қилинган<sup>19</sup>. Ушбу қарор билан “Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари ва унга тушунтиришлар матнини тан олиш тартиби тўғрисида НИЗОМ” тасдиқланган.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирининг 2022 йил 10 ноябрда қабул қилинган “Ўзбекистон Республикаси ҳудудида қўллаш учун молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари ва унга тушунтиришлар матнини тан олиш тўғрисида”ги 61-сон буйруғи билан аксарият молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари расмий матнлари норматив ҳукуқий ҳужжат сифатида қабул қилинган<sup>20</sup>. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирининг ушбу буйруғи Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2022 йил 9 декабрда 3400- рўйхат рақами билан рўйхатдан ўтказилган.

<sup>19</sup> <https://lex.uz/uz/docs/4966554>

<sup>20</sup> <https://lex.uz/docs/6312360>

